

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чўка бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 27 (10.332)

2005 ЙИЛ 9 ФЕВРАЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

Кўнгда

● **БУГУН** Бектемир туман Марказий кутубхонасида ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Алишер Навоий — навқирон шоир» мавзусидаги адабий кечада китобхонлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбир «Ғазал мулкининг султони» деб номланди.

● **ЎТГАН** кўни Сергели Политехника касбхона коллежидида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида кўрик-танлов уюштирилди.

● **ЮНУСОБОД** туман ҳокимлигида туманда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан фахрийлар ва ёшларнинг учрашуви уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Бугун ғазал мулкининг султони Низомиддин мир Алишер Навоий таваллуд топган кун. Шу муносабат билан пойтахтимизнинг энг кўркем гўшаларидан бўлмиш Алишер Навоий номидаги Миллий боғ мажмуасида эрта тонгдан янраган мумтоз наволар ҳамшаҳарларимизни ўз бағрига чорлади.

Улуғ мутафаккир хайкали атрофида давлат ва жамоат арбоблари, шоир ва ёзувчилар, олимлар, маҳалла фаоллари, талаба ва ўқувчилардан иборат кенг жамоатчилик иштирокида ҳазрат Навоий таваллудининг 564 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов очар экан, жумладан шундай деди: «Улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг кутлуг номи ва шеърини бир лаҳза бўлсада бизнинг хаё-

ди. Миллатимизнинг ифтихори бўлмиш бу зот бугун инсониятнинг улуг фарзандига айланди. Навоий наинки ўзининг бетақрор ижоди, балки ғоят ибратли фаолияти, ҳаётдаги эзгу амаллари билан ҳам ер юзидаги бўшқа барча дачоҳларга намуна бўла олади. Унинг ижоди бир улкан кутубхона, беқиёс дорилфунун. Алишер Навоий барчани адолатга чорлади ва унинг устувор бўлиши учун курашди. Шунингдек, барчани маънавий-маърифий камолотга



лимиздан кўтарилган эмас. Минг шукрларки, халқимизнинг, миллатимизнинг фахри ва гурури бўла оладиган сиймолар тарихимизда бисёр, лекин булар орасида буюк инсонпарвар Алишер Навоий номи алоҳида ажралиб тура-

даёват этди ва айни чоғда унга эришиш учун эл улусдан бисотини амади.

Тантанали маросимда шунингдек, атоқли навоийшунос олим Азиз Каюмов сўзга чиқиб улуғ мутафаккирнинг бебаҳо бой адабий мероси ҳақида



фахрланиб сўзлади. Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото, Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберглар ҳам ўз сўзларида Алишер Навоий ижодини юксак баҳоладилар. Тадбирда Алишер Навоий ғазалларидан намуналар ўқийди.

Тадбир сўнггида шаҳримиз жамоатчилиги, юртимизда аҳил, баҳамжихат истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари буюк аллома хайкали пойига анвои гуллар қўйишди. Шу кўни навоийхонлик кечаси Шоирлар хиёбонида мушоира тарзида давом этди.

Миллий боғ мажмуасида бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

ДИЛОРОМ ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Муҳаммад Амин (ЎЗА) ва Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

XVI сағоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● «Асака ўқув комплекси» шўба хўжалик жамияти томонидан 22 ўринли, тўрт юлдузли «ОАЗИС-АСАКА» меҳмонхонаси ишга туширилди. Меҳмонхона хоналари замонавий мебель, телевизор, халқаро тизимларга уланган алоқа воситалари билан жиҳозланган.

● Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида болалар спортини ривожлантириш ва янги спорт мажмуаларини қуриш ва жиҳозлаш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тумандаги спорт мажмуаларига 2 миллион 223 минг сўмлик спорт анжомлари топширди.

● Навоий вилоятидаги мактабларнинг моддий-техник негизини ривожлантириш мақсадида ўтган йил бюджетдан ва ҳомийлар маблағлари ҳисобиغا 4 миллиард 900 миллион сўм сарфланди.

● Қашқадарё вилояти, Нишон туманидаги Абдулла Қодирий номи маҳаллада янги қишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди. Бу ерда юқори даражада тиббиёт хизматлари кўрсатилади, шунингдек, диагностика тадқиқотлар ўтказилади.

● Жиззах вилояти шифокорлари, ўрта тиббиёт ва доришунос олимлари Сихат-саломатлик йилида ўз наشرларига эга бўлишди. «Жиззах шифокори»нинг илк сони муштарийлар қўлига теғди.

Жаҳонда

● АҚШ Президенти Жорж Буш мамлакат парламентига келгуси йил давлат бюджети лойиҳасини тақдим қилди. Унда бюджет тақчиллигини бартараф этиш учун харажатларни қисқартириш юзасидан кўплаб тақлифлар илгари сурилган.

● Исроил Бош вазири Ариэл Шарон ва Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос Фаластин — Исроил меҳораси ҳудудида ўт очши ва барча ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилиши тўғрисида эълон қилдилар.

● Ироқ жангарилари гаровга олган Мисрнинг тўрт нафар фуқароси Америка ҳарбий хизматчилари томонидан озод қилинди.

● Халқаро космик станция экипажи томонидан амалга оширилган «Плазмали кристалл» тажрибалари натижалари ёрдамида олимлар ядро батареяларининг янги авлодини яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

● Европанинг «Airdas SAS» канцернига тегишли икки қаватли «А-380» аэробусининг тақдими Франциaning Тулуза шаҳрида бўлиб ўтди. 555 нафар йўловчини ташини имконига эга мазкур авиалайнер 15 минг километр масофага қўнмасдан уча олади.

ПРЕЗИДЕНТ МАЪРУЗАСИ КИТОБ ҲОЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» китобини нашрдан чикарди.

Ушбу китобдан давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқи ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси илгари олган.


Ўртбосшимиз, аввало, парламент сайловларининг аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб, Конституциямиз, республикаимизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очиқлик ва демократик руҳда ўтган сайловлар мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари бораётганининг яна бир ёрқин далили бўлганлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-

лик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳаётимизни ислох қилиш ва янгилаш борасидаги устувор вазифа ва йўналишлар аниқ-равшан кўрсатиб берилгани билан айниқса қимматлидир. Китобда ўқурилганидек, «мустақилликни мустақамлаш, жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверадим».

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасидаги энг муҳим устувор вазифалар эса аввалгидек — бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий ёни янада эркинлаштиришдан иборатдир.

Президентимиз маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, «Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифалари-



миз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, қучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда».

Президент Ислом Каримов мамлакатимизни ислох қилиш ва янгилаш мақсадида олдимизга қўйган энг муҳим йўналиш ва устувор вазифалар юртимизнинг ҳар бир фуқаросидан фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишни, ҳамжихат ва самарали фаолият юритишни талаб этади.

Китоб ўзбек ва рус тилларида кўп минг нусхада чоп этилган.

ЎЗА

Иқтисодиёт

“КАМОЛА”

КАМОЛ ТОПСА

“Санжар дил” хусусий корхонасининг “Камола” тикувчилик цехи чеварлари ўз ёрликлари билан хориж-ниқидан асло қолишмайди-ган кийим-кечаклар тайёрлашни асосий мақсад қилиб олишди.

— Хонадонларимиз безаги бўлган парда ва турли кийим-кечакларни харидорга манзур этадиган қилиб тикиш учун хориж каталогларидан самарали фойдаланиш баробарида ўз билимларимни, ижодий изланишларимни ишга солиб, бозор талабини ҳам ҳисобга олам, — дейди хусусий корхона раҳбари, моҳир дизайнер Камола Гуломова. — Ана шунда харидорни жалб этиш имконияти туғилади, буюртмаларимиз ортиб боради.

Ха, фирма тadbиркорлари ўзимизда тайёрлашни мумкин ва зарур бўлган тикув маҳсулотларини харидорларга тортиқ этиб, ички бозорни сифатли товарлар, намунали хизмат билан таъминлашга интилишмоқда.

Инсон қўли гул ва ҳар қандай мўъжизалар яратишга қодир. Ана шунини ҳисобга олган тadbиркор Камола Гуломова ўз тикув цехида чет элники ўрнини босадиган, ҳар бир харидорни мафтун этадиган кийим-кечакларни келгусида “Камола” ёрлиги билан ички бозорга чиқаришни ният қилган. Ҳозирда эса ана шу яхши ниятни амалга ошириш йўлида интиломоқда.

СИФАТ
ХАРИДОРНИ
ЧАҚИРАДИ

Маҳсулот сифатида гап кўп. Негаки, дидли харидор сифатга биринчи эътиборни қаратади.

Шу боис пойтахтимиздаги “Nonash” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган 10 турдаги печенье ва праниклар юрти-миздаги 500 дан зиёд савдо шаҳобчалари орқали харидорини топмоқда.

Айни кунларда корхона тadbиркорлари изланишдан, бозорни ўрганиш учун маркетинг ишларини кучайтиришдан асло чарчашмаяпти. Бунинг натижасида қандолат маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришга эришилади. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни талаблар даражасида қадоклашни йўлга қўйиш учун хориждан янги ускуналар келтириш кўзда тутилган. Шунингдек, қандолат маҳсулотларни харидор эҳтиёжига яраша қадоклаш ва сифати таъминланган ҳолда етказиш учун фирма дўкнларини очиб ҳам режалаштирилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилаётган доимий сўровлар давомида фуқароларимиз томонидан мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар эътироф этилмоқда. Социологик тадқиқотлар республикамызда эришилган муваффақиятлар моҳиятини яхшироқ аниқлаш, бозор иқтисодиётига асосланган, ривожланган ва кучли ижтимоий ҳимояланган демократик ҳуқуқий давлат куриш борасида олдинда турган мавжуд муаммо ва қийинчиликларни аниқлашда ёрдам беради. 2004 йил якунлари буйича «Ўзбекистон: жамоатчилик фикри» мавзусида ўтказилган навбатдаги сўровда аҳолининг барча қатламлари вакиллари — шахар ва қишлоқ аҳолиси, эркаклар ва хотин-қизлар, ёши ва миллати, касби ва маълумоти турлича кишилар иштирок этди. Бундай танлов олинган маълумотларнинг ишончлилиги даражаси юқори бўлишини таъминлади.

Маълумотлар таҳлили аҳоли томонидан мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги ривожланиши барқарор равишда юқори баҳоланаётганини кўрсатди. Сўровда иштирок этган фуқароларнинг кўпчилиги (92,7 фоизи) мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятдан қониқшини билдирган ҳамда бу ҳолатни «яхши» ва «барқарор» деб қайд этган. Бунда ҳар иккинчи киши юртимизда ислохотлар изчил амалга оширилаётганини таъкидлаган. Сўровнинг бундай натижалари қатор сабаблар билан изоҳланади. Ҳукумат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг аҳоли манфаатларига мос келиши, мамлакатимизнинг миллий ва демографик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ислохотлар ва адолатли аниқ йўналирилган ижтимоий сиёсатнинг пухта йўлба босқичма-босқич амалга оширилиши, мустақиллик йилларида шакланган қонунчилик базаси, эришилган иқтисодий ривожланиш даражаси шулар жумласидандир.

Жамоатчиликнинг фикрига кўра, давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсат халқимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда ва бу мамлакатимиз мустақиллиги-

ни мустақамлашнинг асосий омилдир. Бу гапни сўров ҳам ўтган йиллардаги каби аҳолининг Президент Исрол Каримовга юксак ишонч-эътиқодини, фуқароларнинг асарият қисми Президент мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, фуқаролараро тотувлиқни сақлашнинг асосий кафили эканига бўлган ишончини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг моддий ва ишти-

да (2005 йил 14 январь) таъкидлаганидек, биз бу курсаткичи 50-60 фоизга чиқариш вазифасини қўймоқдамиз. Негаки кичик бизнес ишсизликни камайтиради, тез ўзгариш ва мослашиш хусусиятларига эга. Ана шунда биз хонан конъюктураси ва рақобатчилик қонунларига бўйсинадиган соғлом ва ҳаракатчан иқтисодиётга эга бўлаемиз.

Кўпчилик фуқароларнинг фикрича, республикада тadbиркор ва фермерлар, нодавлат ва хусусий тармоқнинг бемалол фаолият юритиши учун ҳуқуқий (сўралганларнинг 64,1 фоизи), иқтисодий (58,8 фоизи) ва ижтимоий (56,6 фоизи) шароитлар яратилган. Сўровда иштирок этганларнинг таъкидлашича, иқтисодий ислохотлар давомида қўллаб муаммолар ҳал қилинмоқда. Чунинчи, тadbиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий асос шаклланимоқда, солиқ тизими тақомиллашмоқда, жойларда қонунбузарлик ҳолатлари камаймоқда, коррупция, порахўрлик ва маҳаллийчилик каби салбий ҳолатларга қарши кураш ўз натижаларини бераётди. Бироқ социологик тадқиқот шуни кўрсатдики, кичик бизнес вакилларида ҳали ҳуқуқий саводхонлик ва омилкорлик етишмаслиги муаммоси мавжуд. Бу эса уларнинг фаолиятида муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган сўров натижалари 2004 йилда фуқароларимизнинг умумий ижтимоий аҳоли ижобий ва барқарор бўлганини кўрсатади. Ҳамюртларимизнинг келажакдан умидлари катта, мамлакатимиз тақдирини ўз ичига олувчи масъулият ошган. Ўтказилган тадқиқот мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўз самараларини бераётганлиги, аҳоли жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳаларини босқичма-босқич ўзгартириш йўналишини тўлиқ қўллаб-қувватлаётганлигининг яна бир тасдиғи бўлди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари бўйича
ЎЗА мухбири
А. ИВАНОВА тайёрлади.

ИСЛОХОТЛАРИМИЗ
ОДИМЛАРИ

Юртимизда жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жаҳаларида амалга оширилаётган тўб ўзгаришлар суръати йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Президент Исрол Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг жорий йил 28 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимизда узлуксиз иқтисодий ўсиш таъминланди, макрroiқтисодий ва молявий барқарорлик мустақамланди, иқтисодиётнинг мувозанатлилиги кучайтирилди.

моий муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш имконини берадиган шароитларни яратди. Сўров натижаларига кўра, кўпчилик ислохотлар инсон манфаатлари йўлида амалга оширилмоқда ва аҳолининг қўллаб ижтимоий ғуруҳлари ҳаётини яхшилади, деган фикрдадир.

Турмуш шарт-шароити, ижтимоий-иқтисодий аҳолининг ўзгариши ҳам одамларга ўз таъсирини ўтказди. 2002-2004 йиллардаги сўровларнинг қиёсий натижалари фуқароларимизнинг фаоллиги ошганлигидан дарак беради. Сўровда иштирок этган деярли ҳар иккинчи киши 2005 йил ўтган йилдан ҳам самарали бўлди ва ҳаётимизни яхши томонга ўзгартирди, деб ҳисоблайди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Айни пайтда кичик бизнес янги ички маҳсулотнинг 36 фоизини яратмоқда. Президент Исрол Каримов Россиянинг «Независимая газета»си мухбири билан мулоқоти-

икки томондан тозалаб бориш ва ҳаракат учун очишди. Йўлни қордан тозалаш билан кифояланиб қолмаяпмиз. Барча коммуникация ва алоқа тизимлари, электр тармоқлари қайта тикланди. Бунинг учун махсус тайёрларидан ўтган мутахассислар жалб этилган.

— Аҳоли довои очилиши-ни саҳибийлик билан кутмоқда...

— Довондаги икки туннел орасидаги масофада бир неча қор кўчиқлари мавжуд. Улар турли ҳажмда.

Шу маънода йўлни қордан тозалаш ишларини ишчиларимиз ва техниканинг тўла хавфсизлигини таъминлаган ҳолда олиб боришимиз зарур. Дастлабки мўлжалларга кўра, довои яқин кунларда очилиши режалаштирилмоқда... Уйлаймизки, тез кунларда довои узра ҳаракат йўлга қўйилади.

ЎЗА мухбири
Илхом РАЗЗОҚОВ
сўхбатлади.

ДОВОН ҚОР
КЎЧКИСИДАН
ТОЗАЛАНМОҚДА

Фаргона водийси вилоятларини пойтахтимиз билан боғловчи Камчик довоида қор кўчиқлари хавфи туфайли ҳаракат тўхтатиб қўйилганга бир ҳафтадан ошди.

Довонда ҳозир вазият қандай?

ЎЗА мухбири Наманган вилояти фавқулдод вазиятлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Баҳромжон РАҲМОНОВ билан шу ҳақда сўхбатлади.

ташқил этилди.

Вилоят фавқулдод вазиятлар бошқармаси ва бошқа му-тасадди ташкилотлар томонидан бир неча ўнлаб кишилар хавфсиз жойларга кўчирилди. Уларга тез тиббий ёрдам кўрсатилди.

— Ҳозир довоида қандай ишлар олиб бориляпти?

— Довонда ишлаётганларнинг барчаси — қурувчимиз, алоқачимиз, ҳарбийимиз ёки тиббиёт ходимимиз — қайси касб эгаси

бўлишидан қатъи назар, ўз ишини сидқидилдан адо этмоқда. Бугунги кунда Наманган вилояти тарафидан довои йўлининг 191-километридан 164-километригача бўлган масофадаги қор кўчиқлари барқарор этилди. Йўл қордан тозаланди, техника ишлаши учун шароит яратилди.

Фавқулдод вазиятлар вазирлиги вакиллари довоининг Тошкент йўналишини кўчидан тозаламоқдалар. Мақсад — йўлни

семинари ўтказилмоқда.

СЕРГЕЛИ
ТУМАНИ

Яқинда Молия ва иқтисодиёт коллежи тумандаги 27-мактаб ўқувчилари билан биргаликда “Спартакиада эстафетаси” спорт ўйинлари мусобақасини ўтказди. Бу мусобақада 30-мактаб ўқувчилари голибликни қўлга киритдилар ва шаҳар босқичига йўланма олиб, у ерда ҳам биринчи ўринни эгалладилар. Голиб ва совриндорлар “Камолат” ЕИҲ туман бўлими тарафидан рағбатлантирилди.

“Бунёдкор” ёшлар телеклубида ҳушовоз хонанда ва маҳоратли актриса Дилфуза Исмоилованинг

темир ва А. Икромов туманларида ҳам ўтказилди. Бундан ташқари ҳозирги кунда Юнусобод туманидаги 50 та маҳаллада “Маҳалланинг намунали қизи” мавзусидаги кўрик-танловнинг биринчи босқичи ўтмоқда.

БЕКТЕМИР
ТУМАНИ

Шу кунларда Бектемир туманидаги 291-мактабда Word Vision халқаро ташиқлотининг мутахассисларини жалб қилган ҳолда “Камолат” ЕИҲ туман бўлими ва “Маҳалла умидлари” маркази томонидан СПИД ва гивандликка қарши ўқув

“Камолат” хабарлари

КҮРИК-
ТАНЛОВ
БОШЛАНДИ

Яқинда Тошкент шаҳрининг барча туманларидаги “Камолат” ЕИҲ сардорлар кенгаши аъзолари иштирокида Юнусобод туманида joyлашган 9-мактабда семинар ўтказилди. Бундан қўзланган мақсад “Камолат” ЕИҲнинг мактаблардаги иш фаолиятини кучайтириш ва янги тadbиркор режаси ҳақида ишлаб чиқилган қўланма билан барчани таништириш эди.

Ана шундай тadbирлар шахримизнинг С.Рахимов, Сергели, Бек-

ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиш мақсадида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Ёқимли куй-қўшиқлари билан эстрадамызда ўз ўрнига эга бўлиб бораётган хонандоларимиздан бири Дилфуза Исмоилова ёшларимизнинг қалбидан жой олишга улгурди. Халқимиз суйган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Олдуз Усмонованинг шоғирди бўлиши хонанда ўз услубини шакллантириб бормоқда.

Кеча давомида ёшлар ўзларини қизиктирган саволларга хонандадан жавоблар олдилар ва унинг ижросидаги жозибадор қўшиқлардан баҳраманд бўлидилар.

Ноҳира НИЗАМОВА
“Бунёдкор” ёшлар телеклуби ходими.

Бугун — буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуд топган кун

Улуг зотлар асарлари ҳамisha инсон тарбиясида катта аҳамият касб этиб келгани азалдан аён. Бобокалонимиз Алишер Навоий ҳам ана шундай буюк ижодкорлар сафидан мустаҳкам ўрин олган. Унинг асарлари инсонпарварлик, дўстлик, халқлар дўстлиги ғоялари билан сугорилган бўлиб, уларда ҳақиқий сеvgини тараннум этиш Навоий ижодининг марказида турган энг ҳаётий мавзулардан биридир.

Бу йил таракқийпарвар инсоният ўзбек халқининг улуг даҳоси Алишер Навоийнинг 564 йиллик тўйини кенг нишонламоқда. Навоийнинг баракали ижоди ва жўшқин фаолияти Шарқ халқлари ижтимоий-сиёсий фикрларининг ривожланишига, маданият, адабиёт, санъат, қолаверса, фаннинг қатор соҳаларининг раванқ топишига ўта самарали таъсир кўрсатди.

Навоий инсонийлик, тинчликсеварлик, маърифатпарварлик ғояларини катта санъаткорлик билан тараннум этган буюк ижодкор, туркий халқлар тили ва адабиётини жаҳон миқёсига кўтариб чиқа олган даҳо адибдир. Шу жиҳатдан у жаҳон адабиётининг энг ёрқин сиймолари Ҳомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Саъдий, Шекспир ва Бальзак қаторидан муносиб ўрин олган. Улуг озарбойжон

шоири Фузулий Алишер Навоий ижодида юксак баҳо бериб, уни "Султони салотини шуъро" деб атаган. Захириддин Мухаммад Бобурнинг "Алишербек назирини йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хуб айтқон эмас", деб Навоийни улуғлагани бежиз эмас. Мана, беш асрдан зиёд вақт ҳам ўтибдики, қомусий билимларни ўзида мужассам-

олий вазифаси ҳақида шундай деб ёзган эди:

**Одами эрсанг,
демагил одами,
Они ким йўқ халқ
гамидин гами.**

Навоий ижодини унинг шеърининг тасаввур қилиш қийин. Шоирнинг лирик меросини "Ҳазойин ул-маоний" ("Маънолар хазинаси")га жамланган тўрт девон ташкил этади. Унга 16 турдаги лирик жанрларга мансуб 45 минг мисрадан ортиқ ўзбек тилидаги шеърлар киритилган.

Навоий ғазалиёти ҳаётга муҳаббат, инсон қадрқимматини улуғлаш, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик каби инсонпарварлик руҳи билан сугорилган. Хусусан, шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай деб ёзади:

**Олам аҳли билинғизим,
иш эмас душманлигим,
Ёр ўлун бир-бирингиз-
ғалум, эрур ёрлиг иш.**

Буюк Навоийнинг дохиёна сўзлари инсоният тарихининг барча даврлари учун ҳамондир. Ўлмас асарлари эса ҳануз инсониятнинг эзгу ишларига кўмак бериб келмоқда.

**Сайдбек ҲАСАНОВ,
филология фанлари
доктори, Ўзбекистон
Республикаси Фанлар
академияси Алишер
Навоий номидаги Давлат
адабиёт музейи директори.**

ЗАМОН БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Жаҳон адабиёти хазинасига бебаҳо дурдона бўлиб қўшилган мумтоз мерос асрлар давомида авлодларни тарбиялаб келади ва бундан буён ҳам шундай улугвор вазифани адо этаверади. Зеро, адабиёт тарихи мутахассислари зиммасига янги замон кишини тарбиялашда муқаддас вазифа қўйилган экан, улар энг аввало, ишни ўтмишдаги буюк сиймоларнинг бой меросларини замон хизматиға йўналтирмоқ ва ўтмиш маданиятимиз тарихига ташна халқимизнинг талабларини қондирмоқдан бошламоқлари мақсадга мувофиқдир.

лаштирган бу улуг мутафаккир шоирнинг жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган ўлмас асарлари янги-янги авлодларга хизмат қилиб келмоқда. Унинг бизга қолдирган улкан ва бой меросини умуминсоний маданиятнинг хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Уларда порлоқ ҳаёт билан боғлиқ олижаноб фикрлар олға сурилган. Шунинг учун ҳам Навоий асарлари ҳам макон, ҳам замон билан доимо ҳамоҳанг, ички мутаносибликта эгадир.

Шоиримиз қомил инсоннинг



ШЕЪРИЯТ МУХЛИСЛАРИ ИШТИРОКИДА

Ўзбек Миллий академик драма театрида "Ўзуйжой-жамғармабанк" ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликларида ғазал мулкнинг султони Мир Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, шоир Минҳожиддин Мирзо сўзга чиқиб Навоий ижодининг ёрқин қирралари, ғазалларидаги илгор ғоялар хусусида тўхталиб ўтишди. Ҳазрат Навоий ижодида инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари шунингдек, алломанинг эзгу ишлари ҳам таъкидланди. Сўзга чиққанлар буюк алломанинг сеvgи, дўстлик, адо-

лат, тинчлик каби мавзулардаги ғазалларидан намуналар ўқишди. Шеърят мухлислари Навоий ижодида бўлган меҳрларини ўз шеърларида ифодалашди. Улуг мутафаккир ижодидан илҳомланиб ёзган ғазалларидан ёд олишди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ижросида "Соҳибқирон" спектаклидан парча намойиш этилди.

**Юлдаз РИЗАЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.**

НАВОИЙ ЎҒИЙЛАРИДАН

Такаббурлик — шайтон иши, ўзини катта тутиш — нодон иши. Мутакаббир тенгқур дўстлари олдида таънага қолади, Тангри олдида мардуд ва малъун...

Яхшилик бир жабрланганнинг оғир юкини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликдан қўтармоқдир.

Фано аҳлига кўп сўзламоқ мақбул эмас, кўп эшитмоқ матлуб ва яхшидир. Эшитмоқ кишини тўлатди, айтмоқ бўшатади, кўп гапирган кўп адашади, кўп еган кўп йиқилади.

Илм олиб унга амал қилмаган, шудгор қилиб уруғ экмаган дехқонга ўшар, ёки уруғ сепаб ҳосилдан бебаҳра қолган нодонга ўшар.

Тадбирлар

«ЖОНДИН СЕНИ КЎП СЕВАРМЕН...»

Шеърят мулкнинг султони, улуг мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг номи ва унинг бой адабий мероси асрлар оша мангу яшаб келмоқда. Айни кунларда мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида буюк аллома таваллудига бағишланган навоийхонлик кечалари, қизқарли учрашувлар ўтказилмоқда.

Жумладан яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ҳам Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллиги-



Кечани касбий-педагог тайёргарлик факультети талабалари Шермат Мўминов ва Дилбар Сиддиқова олиб боришди. Йиғилганлар филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққулнинг "Навоий маърифати" мавзусидаги аллома ижоди ҳақидаги чиқишини мириқиб тинглашди. Оммавий байрамлар режиссураси бўлими 4-курс талабалари Равшан Хўжамуродов ва Хилола Мирзабоева "Тули ва Навоий" монологини ва сахна кўринишидан парчалар ижро этиш-

га бағишлаб «Жондин сени кўп севаermen, эй умри азиз» деб номланган мушоира кечаси бўлиб ўтди. «Онажоним шеърят» тўғраги аъзолари томонидан ўтказилган ушбу мушоирани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, шоир Сирожиддин Саййид олиб борди. Кечادا Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, шоирлар Ҳайдар Мухаммад, Минҳожиддин Мирзо, Маҳмуд Тоир, Фарида Афрўз, Акиф Азал ва бошқалар Навоийга бағишланган шеърларидан ўқидилар. Ёш шоира Шаҳодат Усмонова эса Навоий ғазалига боғланган муҳаммасини ўқиб эшиттирди. Шунингдек мушоира оқшомида олий адабиёт курси ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети та-

ҒАЗАЛГА ОШНО КЎНГИЛЛАР

Кеча Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллигига бағишланган "Назм ва наво" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбир ўзбек тили ва адабиёти ҳамда режиссура, ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик кафедраларининг ҳамкорлигида ўтказилди. Кечادا навоийшунос олимлар, ўқитувчилар ва талабалар иштирок этдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хумора Ихтиёрова "Муножот" куйига жозибали рақс ижро этиб, тадбирга ўзгача файз киритди. Навоий ғазалларини сахна орти-

навий озиқ олдилар. Шоирнинг ҳаёти ижоди, ғазаллари хусусида фикрлар алмашилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
Тоҳир Нигматуллин олган суратлар**



дан филология фанлари номзоди Раҳимбой Жуманиёзов
**Сарви гулнинг соясида
сўлди гул нетмак керак,
Сарвидин тобут ясаб
гулдан кафан бичмоқ керак.
дея ширадор овозда
ўқиди.**
Куй, ғазал, қўшиққа ошно бўлган кўнгиллар ушбу кечадан улкан маъ-

лабалари ҳам Навоийнинг ғазалларидан ёд олдилар. Навоийшунос оlima Сўйима Ғаниева ва адабиётшунос олим Ҳамиджон Ҳомидий Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти хусусида гапирди, унинг одабийлик, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, садоқат тараннум этилган ғазалларини шарҳлаб бердилар.

ҲАМИША ҚАЛБИМИЗДА

Буюк аллома таваллудига бағишланган тадбирлар шахримизнинг барча мактабларида ҳам қизгин ўтказилмоқда. Хусусан, Мирзо Улуғбек туманидаги барча мактабларда «Маънавият ва маърифат» маркази, «Қамолот»

ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари ва туман ўқувчилар ижодиёти маркази ҳамкорликларида навоийхонлик кечалари, навоийшунос олимлар билан қизиқарли учрашув кечалари бўлиб ўтмоқда. Жумладан 241-мактабда ўтказилган адабий кеча «Навоий ҳамisha қалбимизда» деб номланди. Тадбирда адабиётшунос олимлар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этдилар. Мактаб ўқитувчилари Г.Мирзаматова ва Н.Охунова Навоий ғазалларидан ўқидилар. Ўқувчилар Алишер Навоийга бағишланган сахна асарларидан парча, шунингдек шоирнинг ғазаллари билан айтилган мумтоз қўшиқлардан ижро этиб, йиғилганлар қалбига хуш кайфият улаштиди.

Дилором ИКРОМОВА

Шарқ дурдоналари



● Инсон — олам бегази
 ● Инсон доно, одми, одил, жасур ва саховатли бўлғлар керак. Шундагина у инсон деган юксак унвонга лойиқдир.
 ● Инсон — бир бутун олам, фақат ундаги асосий туйғу олижаноблик бўлса бас.
 ● Хаёт — бу бетўхтов камолотдир.
 ● Лукмони Ҳаким ўз ўзига айтиди: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут, одамларни гийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни қайғу-ғамга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.
 Утиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўзраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, унгу чапга қарайверма. Меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсухбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.
 Ўз фойдангни ўйлаб, обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узок бўл, жангу жадалдан қоч. Сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта унинг уда-сидан чик. Ҳеч кимни ранжитма».

Байт:
Мен инсон деган
 улуг фикр-ла,
Ҳамиша кўксимни
 тутаман баланд.
 ● Қаноатли киши ўзининг ҳар бир сўзи ва ишида ҳалолдир.
 ● Ирода одамзоднинг фаркли белгисидир, фақат ақлгина иродани бошқариш учун абадий қоидадир.
 ● Қаноатли бўлмаган одам ҳеч қачон ўзига ўзи ҳужайинлик қила олмайди.
 ● Улуғ кишиларнинг ёқимли хислатларидан бири қаноатдир. Қаноатли киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Аксинча, кишида қаноат бўлмаса, топган-тутганига сабр қилмай, кўпига интилса, оқибат хорлик азобини тартади. Шунинг учун ҳам айтдилар:
Бўлса агар суву парча
 қотган нон,
Ўзга косасига кўз
 тикма, инсон.
Бўлсанг агар тожу-тахт
 учун муҳтож,
Заминни тахт деб бил
 ва кўшини тож.
 Доно кишилар эса: «Қаноат туганмас бойликдир, қаноатли киши ҳеч камбағал бўлмайди, чунки унинг ҳеч кимга иши тўшмайди. Қаноатсиз киши эса гадога ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топшига интилади, нарсаси деб одамлар олдида бош эгади», — дейдилар.
 Байт:
Бировнинг олдига
 боргандан нон деб,
Уйда жим ўтирмак
 яхшидир жон деб.
Ҳар ким таъма йўлни
 тутса агар пеш,
Оқибат бир кунни
 бўлғуси дарвеш.

— Илгари “Оталар сўзи—ақлнинг кўзи” кўрсатувида тез-тез чиқиб турардингиз, бироқ кейинги пайтларда негандир кам кўринаясиз. Бунинг бирон бир сабаби борми?
 — Тўғриси айтсам, кейинги пайтларда таклиф қилиш қамайдми. Қолаверса, ҳозирда театр ва кинода кўпроқ банд бўлмоқдаман.

— Сиз баъзи спектаклларда яхши кўшиқ ҳам қуйлайсиз, ҳозирда айрим актёрларимиз моддий жиҳатдан таъминланиш учун кўшиқ ҳам қуйлаётган, сизнинг ҳам кўшиқ қуйлаш ниятингиз борми?
 — Менда асосий мақсад моддий имкониятларни биринчи ўринга қўйиш эмас. Тўғри, кўшиқчилик санъатига қизиқаман. Институтда ўқиб юрганамда устозимиз Курбоной опа кўшиқчилик сирларини ҳам яхши ўргатганлар. Бироқ театр ва кинода роль ўйнаб халқимизга хизмат қилишни асосий вазифам деб билдим.

Қисқаси, актёр актёрлигини, кўшиқчи кўшиқчилигини, шафокор шафокорлигини, ўқитувчи ўқитувчилигини қилгани маъқул.
 Кино, театр ёки кўшиқчилик санъати пул топиш манбаига айланмаслиги керак. Назаримда, ҳар бир одамнинг асосий мақсади ҳалол, пок меҳнат билан ўз вазифасини бажариш бўлиши керак.
 — Театрда ҳам, кинода ҳам, дубляжда ҳам ижод қиласиз, айтингчи, улардан қай бири сиз учун қадрлироқ?
 — Театр, кино ва дубляж санъатини бир-бирдан устун қўйиб бўлмайди, менимча. Чунки актёр уларнинг ҳар бирига ўз меҳрини беради, юраги билан ишлайди. Хуллас, актёр учун уларнинг ҳар бири ижоддир.

— Сизнингча, инсон қачон яхши яшаши мумкин, бахтни қандай тушунасиз?
 — Яхши яшаш ёки тўғри яшаш, киши ўзини бахтли санаши бой ёки камбағаллик билан ўлчанмайди.
 — Ҳозирда яратилаётган фильмлар ҳақида фикрингиз қандай? Сизга ёқади-ми, улардаги асосий ютуқ ва камчиликлар нимада деб ўйлайсиз?

— Кино санъатининг муваффақияти кўпроқ сценарийга боғлиқ. Чунки сценарийда ҳаёт тасвирланади. Сценарий мантинги бузилди, демак, у сценарий бўш ҳисобланади. Агар кино санъатини рамзий маънода иморатга қисқайтирилган бўлса, фикримча, сценарий унинг пой-девори, кинога олиш эса иморатни кўта-

ТАЛАНТ БЎЛМАСА БАРИ БЕФОЙДА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли актёр Фатхулла МАЪСУДОВ билан суҳбат.

Суҳбатдош ҳақида: Фатхулла Маъсудов — Ўзбек Миллий академик драма театрининг актери, “Шухрат” медали соҳиб. Театр ва кинодаги қатор роллари билан мухлислар қалбидан чуқур жой олган. Ишонамизки, ушбу актёр билан қилган суҳбатимиз сизларни бефарқ қолдирмайди.

ришдир. Бордию пойдевор бақувват бўлмаса, иморатни кучли деб бўлмайди. Бизда яхши сценарий ёзадиган ёзувчиларимиз ҳам бор. Мисол учун Мурод Муҳаммад Дўст, режиссёр Зулфиқор Мусоқов. Умуман кейинги пайтларда “Ўзбекфильм” киностудиясида ишланаётган фильмларни кузатсак, мазмунли фильмлар яратилаётганини кўриш мумкин. Жумладан, “Осмондаги болалар”, “Онажон”, “Дард” ва “Ота” фильмлари жаҳон кинолари билан бемалол беллаша олади.

— Хориж фильмларига ҳам овоз бера-сиз, айтингчи, ўзингиз кўпроқ қайси юрт фильмларини қизиқиб кўрасиз?
 — Италия, Грузия ва Россия филь-лари менга жуда ёқади. Чунки кино иш-лаш қобилияти уларда жуда юқори да-ражада. Бироқ ўзимизнинг баъзи филь-мларимиз ҳам уларникидан қолишмай-ди. Масалан “Маҳаллада дув-дув тан”, “Ер-ёр”, “Ўтган кунлар” (эскиси) ва “Шиддат” каби фильмлардир.

— Санъат соҳасида муваффақиятга эришишингизда сизга кимлар ёрдам бер-ди?
 — 2004 йил кўргазма ҳайъати жа-хоннинг 63 та мамлақати, жумла-дан, Ўзбекистондан 12 мингга яқин болалар расмларини танлаб олди. Ёш rassomлар ўз ижод намуналар-ида миллий ўзбек асбобларини ифода этиш, мумтоз musiқа ва се-

ган?
 — Энг аввало, Яраттанинг қудрати, ота-онамининг меҳр-муҳаббати, устозларимнинг ўғити ва кўмаги қолаверса, меҳнатим таянч ва суянч бўлган деб биламан.

— Айрим ёш ижодкорлар, таниш ва пул бўлса санъат соҳасида катта муваффақиятга эришса бўлади, деган фикрда юришадми, шу тўғримики?
 — Таниши ёки пули қанча кўп бўлсин, барибир агар ўзида таллант бўлмаса бефойда, мана кўряпмизку.

— Мухлисларингизнинг кўпчилиги ўзингиз ва оилангиз ҳақида маълумот олишга қизиқиш-лади.
 — 1963 йил Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилганман. Отам раҳматлик Ҳусан Маъсудов фан номзоди, педагог, географ эдилар. Онам раҳматлик Муҳаррам Маъсудова бир неча йил дори-шунослик соҳасида меҳнат қилганлар. Аёлим боғчада тарби-

ячи бўлиб ишлайди, икки ўлими ва бир қизим бор.
 — Болалик йилларингиз ҳақида ҳам қисқача гапириб берсангиз.
 — Болалигим кўпчилик сингари сода, оддий ва жуда ширин ўтган. Футбол ёки хоккей ўйнашни, анҳорларда чўмилишни жуда яхши кўрар эдим. Уйимни атрофида қўйлар боқиб юрар эдик. Гулхан атрофида ўтириб оловда қорайиб пишган картошкаларни қорақуяси билан мазз қилиб ер эдик, сўнг юз ва қўлларимиз қорақуя бўлиб кетар эди, шунда яна анҳорда чўмилардик ва балиқ тутардик. Ҳозир у ерларга катта-катта иморатлар қурилиб кетган.

— Кимлардан ёки нималардан кўпроқ нафратланасиз?
 — Бировларнинг устидан кулганлардан. Ахир, бировнинг камчилигидан ёки мағлубиятидан хурсанд бўлиш энг маданиятсиз, тубан, қобилияти йўқ ва бошқаларнинг ютугини кўра олмайдиган инсонларнинг иши.

— Сухбатдош: Рустам ҲАЙДАРОВ, “Туркистон-пресс”

ЧЕХИЯДА БОЛАЛАР РАСМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Чехиядаги Лидице шаҳарчасида халқаро болалар тасвирий санъат кўргазмасига яқин ясалди.

Бу ерда болалар ижоди кўргазмасини ташкил этиш аъёнаси иккинчи жаҳон уруши йиллари Лидицеда содир бўлган воқеалар билан боғлиқ кетган. Уша маълум йиллар шаҳар фашистлар томонидан ер билан битта қилиб ташланган

эди. Қайта тикланган Лидице аҳолиси қурбон бўлган ҳамшаҳарлари хотирасига бағишлаб 30 йил муқаддам биринчи марта ушбу кўргазмани ташкил қилишгани ва уни ҳар йили ўтказиб туришга келишарлиб олинган.

2004 йил кўргазма ҳайъати жахоннинг 63 та мамлақати, жумладан, Ўзбекистондан 12 мингга яқин болалар расмларини танлаб олди. Ёш rassomлар ўз ижод намуналарини миллий ўзбек асбобларини ифода этиш, мумтоз musiқа ва се-

вимли musiқа гуруҳлари концертларига ташриф буюриш, musiқани қай тарзда англашларини рангли бўёқларда тасвирлашга ҳаракат қилишган. Танлов мукофотларига сазовор бўлганлар орасида ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари Луиза Ҳўжамкулова ва Гайана Сайамова ҳам бор.

Бу йил Лидицеда бўлиб ўтадиган икtidорли болалар кўргазмаси “Мен учун бахт нима” мавзуйига бағишланган.

“Жаҳон” АА

Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида Ўзбекистон Бадий академияси ижодий бирлашмасининг аъзоси Валентин Ермаковнинг “Нигоҳлар. Фикрлар” мавзуйидаги фото кўргазмаси ўтказилмоқда. Кўргазма Тошкент фото уйи, Бадий академиянинг фоторассомлар бўлими ҳамда Замонавий санъат маркази томонидан ташкил этилди.

НИГОҲЛАРДАГИ ТЕРАНЛИК

— Асли касби мактаб ўқитувчиси бўлган В.Ермаков қарийб олтимиш йилдирки, сураткашлик билан ҳам мунтазам шуғулланади, — деди санъатшуносо Юрий Подпоренко “Туркистон-пресс” мухбирига. — Унинг ишларида ҳеч қачон шунчаки қиёфани кўрмаймиз, аксинча ижодкор ўз фотосуратлари орқали инсоннинг ички олами, руҳиятини теран очиб беришга интилади. Сураткашликнинг ишларини юзаки томоша қилиш мумкин эмас. Унинг асарлари кишини мушоҳада қилиш, атрофга теран нигоҳ билан қарашга ундайди. Масалан, мийғида ним табассум билан турган мўйсафид-

нинг суратини оладиган бўлсақ, унинг сиймосида биз ўтмишни, бутунни ва ҳатто келажакни кўра-миз.

Айтиш керакки, В.Ермаков Янгирер шаҳрида фотоклуб ташкил этган, кўплаб республика ва халқаро кўргазмаларда ўз ишлари билан қатнашган. Хусусан, 2002 йилда ўтказилган “Менинг сеvimли шахрим” танловиди иккинчи ўринни, 2003 йилда ўтказилган “Ўзбекистон: муҳаббатим изҳори” танловининг болалар йўналишида биринчи ўринни қўлга киритган.

Алишер АЗИМОВ, “Туркистон-пресс”

ДЎСТЛИК ТАНЛОВИ

“Труд” газетаси ваколатхонаси, “Российская газета” редакцияси, Рус маданият маркази, “Ўзбекистон-Россия” дўстлик жамияти ва Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси томонидан энг яхши журналистик иш учун эълон қилинган танловга яқин ясалди.

Ижодий танловнинг турли номинацияларида тошкентлик мактаб ўқувчиси, “Класс” газетасининг ёш мухбири Виктория Гизатуллина, “Тракторсоз” газетаси ходими Вадим Лавренко, наманганлик журналисти Гулнора Тожиқулова, республика радиоси “Дўстлик” канали мухбири Флора Фахрутдинова ғолиб деб тан олинди. “Тажриба ва маҳорат учун” номинациясидаги ғолиблик эса ўзбек журналистикасининг оқсоқол вакилларидан Шаҳобуддин Зайнутдиновга насиб этди. “Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликини мустаҳкамлаш учун” номинациясида “Правда Востока” газетасининг меҳнат жамоаси биринчиликини қўлга киритди.

Россиянинг Ўзбекистондаги элчиси Фарит Муҳаметшин ғолибларга диплом ва кимматли совғаларни топширди. Тақдирлаш маросимида Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллигига бағишлаб янги журналистик танлов эълон қилинди. “Жаҳон” АА

Хоҳ ишонинг, хоҳ

ишонмак

БҲЙИ БИР ҚАРИЧ, СОЧИ ҚИРҚ ҚАРИЧ

1780 йил Дрезден музейига узунлиги 3 газ 65 сантиметр, йўгонлиги 30 сантиметрли соч ўрими олиб келинган. Бунга қадар у 52 ёшли поляк аёлининг хуснига кўрк бағишлаб турган экан.

1949 йили хабар қилинишича, Ҳиндистондаги ибодатхоналардан бирининг бош роҳибиди Свами Пандарасаннадхининг сочи 8 газ узунликда бўлган. 1989 йили Шимолий Ҳиндистонда истиқомат қилувчи 74 ёшли Жўги Мата Жадгамба-нинг қора соч ўрими бундан «калтарок», бор-йўғи 6,5 газ эди.

УЗУН СОҚОЛ ХОНИМЛАР

Африқолик Лангсет исмли қария 1927 йили 81 ёшида оламдан ўтганида соқолининг узунлиги 5 газу 3 сантиметр бўлган. Бу ноёб соқол ҳозир Вашингтондаги Смитсон билимгоҳида сақланмоқда.

Ажаб! Аёллар иягида учтўртта тук бўлишини бирда янги кўрганмиз бор. Наҳотки уларда росмана соқол ҳам бўлса? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шунақаси ҳам учраб тураркан. Аниқ маълумотларга кўра, 1884 йили африқолик аёл Жениснинг соқоли 36 сантиметр бўлган.

XVIII асрда Бельгиянинг Лен шаҳрида яшаб ўтган Элен хонимнинг соқоли эса нақ тиззасига тушган экан!

ҚУЛОЧ ЕТМАС МҲЙЛОВЛАР

Швед Биргер Пеллас энг узун мўйлов соҳиби ҳисобланади. 1990 йил февраль ойида унинг 17 йил ўстирилган мўйлови 2 газ 90 сантиметрга етган. Яна бир кимса — Карна Рам Бхил 1979 йил қамокка олинганидан кейин 30 йил мобайнида мўйловини ўстириб, 2 газ 38 сантиметрга етказган.

Биласизми?

ПУЛ ВА САЛОМАТЛИК

Соғлиқни пулга ҳам тополмайсан, деган нақл нечоғлик тўри бўлсада, ҳар ҳолда, моддий етишмовчиликлар киши соғлиғига таъсир этмай қолмайди. Америка Тиббий академиясининг ходими доктор Роберт Шванк 1948 йилдан 1984 йилгача 1130 нафар шифокорни текшириб кўриб, шундай хулосага келди. Улар қон босимининг ўзгариши маошларининг миқдорига боғлиқлиги олим эътиборини тортиди. Аниқланишича, маоши ўн фоиз камайган ҳар тўрт шифокордан бирида гипертония касаллиги пайдо бўлган.

Шундай қилиб, доктор Шванк "камбағал ва касал бўлгандан кўра, бой ва саломат бўлиш афзал" эканлигини илмий исботлаб берди. **(Ўз мухбиримиз)**

● Чилонзор туманида истиқомат қилувчи оилалардан бири, яъни эру хотин Дилрабо ва Илҳомларнинг ўртасида бўлиб ўтган Узоро жанжал оқибатида турмуш ўртоғи Дилрабо ошхона пичоғини олиб эрининг чап кўрак қисмига тан жароҳати етказган. Натижада Илҳом оғир аҳволда 16-шаҳар клиник касалхонасининг реанимация бўлимига ётқизилган. Шифокорларнинг тез ёрдами тўғрисида беморнинг хаёти сақлаб қолинди. Лекин ўрталарида бўлиб ўтган бундай кўнгилсизлик, унинг кетидан сал бўлмаганида келиб чиқиши мумкин бўлган қотилликдан сўнг, эр-хотиннинг келгуси муносабатлари қандай кечади, оила бекаси бўлиши Дилрабонинг тақдирини, қолаверса ўртадаги фарзандларнинг аҳволини? Ҳозир ушбу ҳолат юзасидан тергов жараёни олиб боришда ва келиб чиққан жанжалнинг сабаблари аниқланмоқда.

● Бугунги, турли воқеаларга боғ ҳаётимизда «Фалончининг автомашинасини бурнининг тагидан ҳайдаб олиб қочишибди», дейишса ҳар ким ҳам ҳайрон бўлмаса керак, бироқ «Ушбу машинага ўғриси қўлга тушибди, автоулов эгасига қайтарилибди» дейишса ҳудди ишонмаётгандай бўламан. Лекин, милиция ходимларининг тезкор ҳаракатлари боис бундай воқеалар қўпуб учрайди. Мана бир мисол, Саидумар исмли шахс бировнинг мол-мулкни ўзлаштириб яшашга ҳаракат қилиб юрган. У кеч соат 21.00лар ҳамаси Бектемир тумани, Хусяин Бойқоро кўчасидаги бозор ёнида турган ВА3-2103 русумли, фуқаро Дамирга тегишли бўлган автомашинанинг қаровсиз қолдирилганлигидан фойдаланиб, ўз услуби билан уни ҳаракатга келтириб ҳайдаб қочишга уринаётган пайтида, шу атрофда хизматни олиб бораётган милиция ходимлари томонидан зудлик билан қўлга олинди. Ундан ҳужжатларини ва бу машинани кимга тегишли эканлигини сўрашганида бирорта саволга жўяли жавоб бера олмади. Кейинги сўров-суриштирувларни шу воқеа бўйича жиноят иши кўзгатган тергов ходими олиб бормоқда. Уринли савол туғилади, мана шундай вазиятларнинг келиб чиқишига қўпдан биз ўзимиз сабабчи эмасмиканмиз? Огоҳликни, хушёрликни унутиб қўйиб, аллақандай ҳаёлларга берилиб ўзимизга, ички ишлар ходимларига ортқича ташвиш орттириб, мол-мулкмиздан ажралиб ўтирмаймизми? Агар ҳар қандай вазиятда хушёр бўлиб яшасан нафақат ўз мулкимизни, балки ўзгалар мулкни, қолаверса тинчлигимизни асраган бўлар эдик. Балки ўшандагина нияти бузуқ, қабиҳ кимсаларга бу дунёда «иш ҳам, эрмак ҳам» қолмаган бўлар эди.

● Ҳамза тумани, Фалабининг 40 йил-

ди. Улар ҳеч қандай ишламайдиган, олдин судланган Баҳром, Борис ҳамда Эркин исмли шахслар бўлиб, улардан далилий ашё, яъни 1500000 сўм пул ҳам топилди. Ҳозирги вақтда ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳамда уларнинг бошқа жиноятларга алоқадорлигини аниқлаш бўйича суриштирув ишлари олиб боришмоқда.

● Агар сўз ички ишлар идоралари ҳақида борар экан, шунга ҳам айтиб ўтиш керакки, бу соҳада хизматни олиб бораётган инсонлар ўз иш фаолиятини аниққиса тунда, яъни бутун аҳоли дам олаётган пайтда кучайтиришади. Чунки сир эмаски, айрим нопок кимсалар ҳам ўз кирдиқорларини айнан кун зулматга чўккан пайтда амалга оширишади. Ана шундай кимсалардан бўлган Рябов ва Грачёв аталмиш шахслар, тунда Миробод туманида жойлашган «Сабантўй» кафега де-раза орқали кириб у ердан 30 метр электрокабель, шу атрофда жойлашган яна бир «Дилдора» кафега 2 та челақ, 10 метр резина ичак, 10 килограмм ун, 2 та қозон ва 2 та ошпичоқни ўғирлаб кетаётган пайтида, шу манзилда «Тун» тадбирини олиб бораётган жиноят-қидирув ва пост патруль хизмати ходимлари уларни пайкаб қолиб, зудлик билан қўлга олишади. Суриштирув пайтида, бу шахсларнинг ҳеч қандай иш-ламаслиги ва олдин ҳам судланганлиги маълум бўлди.

Хурматли юрtdошлар! Агар Сиз, бироқ бир содир қилиниши мумкин бўлган жиноят, қонунбузарлик ёки режалаштирилаётган террористик ҳаракатнинг гувоҳи бўлиб ёки сезиб қолсангиз, зудлик билан тегишли ички ишлар идораларига хабар беришингизни сўраймиз. Бу билан Сиз юртингизни, ўзингиз яшаётган маҳалла, уйингизнинг тинчлигини сақлаб қолган ва ички ишлар идораларида хизматни олиб бораётган оқсоқол ишталки посбонларига катта ёрдам кўрсатган бўласиз. Сиз ҳақингиздаги маълумотнинг сир сақланиши кафолатланади. Фақат шу йўл билан биз биргалликда юртингиздаги оқсоқолликни таъминлаган бўламан.

Юлдуз АШИРОВА
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази катта
инспектори, майор.

Жиноят жазосиз қолмайди

ОГОҲ ВА СЕЗГИР БҲЛАЙЛИК

Оила — бу жамиятнинг кичик бўлаги, бахт ўргонидир. Бинобарин, оилани мўъжазгина Ватан десак ҳато қилмасак керак.

Хўш, ҳаммаси оиладан бошланар экан, оиладаги муҳит, ундаги ўзгаришлар, оила аъзолари, яъни эру хотин фарзандларига ўз таъсирини ўтказиши мумкинми? Қолаверса, оилада салбий муҳит, эру хотиннинг тинимсиз жанжаллари остида униб-ўсаётган фарзандларнинг тарбияси қандай бўлади, улардан қандай инсон шаклланиши мумкин, уларнинг жамиятга, Ватанига қандай фойдаси тегиши мумкин? Хуллас, гапни узокдан бошлашдику келтираётган мисолларимиздан ўзингиз ҳам тегишли хулоса чиқариб оларсиз.

лиги кўчасидаги 175 хонадонда ёнгин содир бўлганлиги ҳақида «01»га хабар тушади. Воқеа жойига 4 та ёнгинни ўчириш автоматиналари етиб келиб, ўт ўчирувчиларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида қисқа фурсатлар ичида хонадондаги ёнгин бартараф қилинди. Бироқ, бахтга қарши бу фожеа курбонсиз бўлмади. Воқеа жойини ўрганиб чиққан экспертларнинг хулосасига кўра, ёнгиннинг келиб чиқиши оқибати, хонадон эгаси Р.Бойқовнинг маст ҳолда, қўлида сигарета билан давлат ухлаб қолиши натижасида бўлган. Сигарета тўшакка тушиб ёнгин келиб чиқишига сабаб бўлган. Ёнгин оқибатида хонадоннинг ярмидан кўп қисми ёниб кетган. Уй эгаси Бойков ушбу ёнгиннинг тунундан зарарларини ва фотот этган. Мана сизга ичкиликнинг оқибати.

● Юнусобод туманидаги кўчаларнинг бирида, тунда учта номаълум шахс уйга қайтаётган Шукур исмли тадбиркор фуқарога тажовуз қилиб уриб, ёнидаги 1500000 сўм пули бўлган сумкасини тортиб олиб қочиб кетишган. Олиб борилган тезкор қидирув натижасида ушбу зўравонлар қисқа вақт ичида қўлга олин-

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қўйидаги автоматотранспорт воситаларининг очиқ кимошди савдоси ўтказилади.

2005 йил 22 февраль кунини қўйидаги автоматотранспорт воситаларининг кимошди савдолари ўтказилади:

1. «АЗЛК-2141» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АГ 178, бошланғич нархи 922 474 сўм, техник носоз;
2. «Нексия» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 W 51-74, бошланғич нархи 5 400 000 сўм, техник носоз;
3. «Дамас» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АС 309, бошланғич нархи 4 086 121 сўм;
4. «Дэу-Принц» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 UZ 880, бошланғич нархи 5 523 185 сўм, техник носоз;
5. «Тико» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АГ 172,

бошланғич нархи 1 555 588 сўм, техник носоз;

6. «Беларусь-МТЗ-82» трактори, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 22-53 ЕЗ, бошланғич нархи 1 465 578 сўм, техник носоз;

7. «Татра-815» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 24 595 560 сўм;

2005 йил 14 март кунини қўйидаги автоматотранспорт воситаларининг кимошди савдолари ўтказилади:

1. «Газ-2410» автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 Т 08-87, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
2. «Газ-24» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 F 49-11, бошланғич нархи 1 001 186 сўм, техник носоз;
3. «Ваз-2103» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 R 70-42, бошланғич нархи 1 172 120 сўм, техник носоз;
4. «Ваз-2103» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 65-85, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
5. «Ваз-2106» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 05-16 ТН, бошланғич нархи 1 207 292 сўм, техник носоз;

6. «Ваз-2107» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 E 35-19, бошланғич нархи 350 000 сўм, техник носоз;

7. «Москвич-2140» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 56-71 ТША, бошланғич нархи 363 068 сўм, техник носоз;

8. «Мазда-626» автомобили, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 5 000 000 сўм, техник носоз;

9. «Нексия» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 С 97-69, бошланғич нархи 10 000 000 сўм, техник носоз;

10. «Нексия» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 С 77-78, бошланғич нархи 2 061 800 сўм, техник носоз;

2005 йил 15 март кунини қўйидаги автоматотранспорт воситаларининг кимошди савдолари ўтказилади:

11. «Нексия» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АФ 828, бошланғич нархи 3 967 488 сўм, техник носоз;
12. «Матиз» автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 13-05, бошланғич нархи 2 040 000 сўм, техник носоз;
13. «Шкода» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган,

давлат рақам белгиси 14 K 47-74, бошланғич нархи 10 313 843 сўм, техник носоз;

14. «Тико» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 1 574 090 сўм, техник носоз;

15. «Дамас» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Д 19-07, бошланғич нархи 1 800 000 сўм;

16. «Зил-431412» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10-16 ТШС, бошланғич нархи 2 351 676 сўм, техник носоз;

17. «Газ-53» автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30-99 ТШС, бошланғич нархи 1 627 450 сўм, техник носоз.

Кимошди савдолари соат 16.00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсуфов кўчаси 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

Спорт

СУЗИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси сув спорти саройида Республика сув спорти олий маҳорат мактабининг Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги сузиш бўйича мураббийларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Албатта, спорт турлари, айниқса сузиш бўйича бундай юзма-юз мулоқотларнинг ўтказилиб турилиши фойдадан холи эмас. Чунки, кейинги пайтларда юртимизда спортнинг ушбу қизиқари тури жадал ривожланиб бормоқда. Спортчиларимизнинг қитъа чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирлардаги муваффақиятлари, Грециядаги олимпиадада юртимиз шарафини ҳимоя қилишлари фикримиз далилидир. Юртимизда кўплаб бунёд этилган очик ва ёпиқ замонавий сув ҳавзалари эса бунга имконият яратади. Фақат мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланилиб, мураббийлар фаолияти кучайтирилса бас.

2005 йилги вазифалар муҳокама этилган тадбирда ҳам айнан мураббийлар фаолиятини тақомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Жумладан, мураббийлар ҳайъати таркибига ҳам аввалги 20 нафар ўрнига 43 нафар устоз сайланди. Терма жамоа таркиби ҳусусида ҳам сўз борди. Шунини таъкидлаш жоизки, 74 киши саралаб олинган сузиш бўйича аёллар ва эркеклар терма жамоамиз таркибидидаги 9 нафар сузувчи халқаро тоифадаги спорт устаси талабларини бажарган моҳир спортчилардир.

Йиғилиш давомида мураббийларга мусобақаларга тайёргарлик юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

«ЁШЛИК»

СОВРИНИ УЧУН

МХСК спорт залида уч кун давомида 1988-1989 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида «Ёшлик» спорт жамияти марказий Кенгаши соврини учун эътибор бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Унда республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон ҳамда пойтахтдан 14 жамоа иштирок этди. Жами спортчилар уч юз нафар бўлиб, галабага бўлган иродаларини намойиш этдилар.

Финал баҳсларидан сўнг қучилар маълум бўлди. Жумладан 55 килограммгача вазнда Азимов, 60 килограммликлар ўртасида Ашуровлар галаба қозонишди. Қолган вазнларда эса Шерматов, Турсиновлар зафар кучишди.

Ғолиб ва совриндорларга қимматбахо совғалар топширилди. (Ўз мухбиримиз)

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан Аулубеков Унгар Жаксылкович номига берилган ЦВ-776931 рақамли рўйхат №40552 диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Футбол

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

Бугун юртимиз футбол мухлислари Ўзбекистон-Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионатида саралаш турнири иккинчи босқичининг дастлабки учрашувига гувоҳ бўлишди. Ушбу учрашувда галаба қозониш ҳар икки терма жамоа аъзолари учун ниҳоятда муҳим эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис ҳам ҳар иккала терма жамоа ушбу баҳсга жиддий ҳозирлик кўрди. Айни пайтда футболчиларнинг ўйинга тайёргарликлари қай даражада? Таркибда муаммолар йўқми? Терма жамоаларнинг руҳий, жисмоний ҳолати мураббийларни қониқтирадимиз қабилдаги саволларнинг туғилиши табиий.

КЕЧА

«Ўзбекистон» меҳмонхонасида Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан уюштирилган матбуот анжуманида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони терма жамоалари бош мураббийлари Юрген Гёде ҳамда Габриел Калдерон-

лар журналистлар билан учрашиб юқоридаги саволларга батафсил жавоб беришди.

— Ўзбекистон терма жамоаси айни пайтда жисмоний ва руҳий жиҳатдан анча тобланти. Машғулотлар давомида асосан футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигига эътибор қаратилди, — деди Гёде ўз сўзини бошлаб. — Таркиб борасида ҳам муаммолар йўқ. Фақатгина Ширшов, Радкевичлар айрим сабабларга кўра ушбу учрашувда қатнаша олмайдилар. Кириян, Нестеров, Рахимовларга ҳам ҳозирча дам берилди. Шақих, Маминов, Пашининларнинг Тошкентга етиб кел-

ганлиги ва терма жамоа сафида машғулотларда иштирок этаётганлиги қувонarli хол. Дарвоқе, Гейнрих ҳам аввалги учрашувларда оғохлантириш олганлиги сабаб Саудия Арабистони термасига қарши майдонга туша олмайдилар. Назаримда рақибимизни енгилш учун барча имкониятларга эгамиз.

Саудия Арабистони терма жамоаси бош мураббийси Габриел Калдерон эса ўз сўзида ушбу баҳсда унинг терма жамоаси ҳам фақат галаба иштиёқиди майдонда ҳаракат қилишини таъкидлаб, араб футболчилари жисмонан ва руҳан Ўзбекистонликлардан қолишмаслигини айтди. Дарвоқе, бош мураббийнинг фикрича гуруҳда Жанубий Корея терма жамоаси голибликка асосий даъвогар. Саудия Арабистони термаси таркибидида эса Сами-Ал Жабрдек моҳир футболчи бор.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, терма жамоамиз БУГУН жиддий синовдан ўтади. Ишонимизки, биринчи беллашувда рақиб устидан қозонилган галаба футболчиларимизнинг кейинги ўйинларига руҳий мадад бағишлайди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мунажжам башорати

ҲАР ИШДА ИЖОДКОР БЎЛИНГ!

10 февраль, пайшанба

Бу — умуман астрологияда энг галати кунлардан бири ҳисобланади. Шу кунни ҳар қандай ҳодиса — воқеа рўй бериши мумкин. Бутунлай янги-ча ҳаётини бошлаш мумкин бўлган ёзилмаган «оқ дафтар» кунини, барча кераксиз нарсалардан халос бўлиш кунини дейиш мумкин. Соч олдириш, оғриган тишлардан қутулиш, тирноқларни олиш, турли жарроҳлик операцияларини бажариш ҳам шу кунини омадли ҳисобланади. Олинган соч — тирноқларни кўмиш керак.

Сулҳларга келиш, янги билимларни эгаллаш, дилларни таскин топтириш кунини бу кун. Уйингизга яқин бўлинг, оилангиз билан шуғулланинг, болаларингизга эътибор қаратинг. Ёлғон гапиришдан, пуч ваъдалардан тийилинг, шошма-шошарликка йўл қўйманг. Меҳмондўст ва танги бўлинг.

Янги ишларга қўл уриш, янги танишлар орттириш мумкин. Бугунги кун ҳам қисман кечаги кунга ўхшаш бўлса-да, у ҳуқуқшунослар билан, ҳокимият одамлари, муассасалар раҳбарлари билан мулоқотларда омадсиз ҳисобланади. Шунингдек, бу кун, фаол жисмоний машқалар ва ҳаракатлар учун қулай келади.

Мабодо, бугун қалитларингиздан бирортасини синдириб қўйсангиз ёки ипни чигаллаштириб ёки пойабзал боғичини узиб юборсангиз, шунингдек, тирногингиз синиб кетса — булар бўлажак ноҳуш ҳолатларга ишорадир.

Кўрадингиз тушларингиз ўнгидан келади. Тушда камалак, осмон, юлдузларни кўрсангиз ёхуд мусиқа тинглаб, бирон-бир кимсалар билан суҳбат курсангиз — яхшилиқдан нишона.

Бугунги кун рўза тутиш, айниқса, ширинлик ва гўшти таомлардан ўзингизни тортиш учун жуда қулай келади. Шу кунни буйрақлар хасталикка мойил бўлиши, радикулит хуруж қилиши ва аллергия пайдо бўлиши мумкин. Аллергиядан холи бўлиш мақсадида атир-упалардан фойдаланмаслик, жуда зарур бўлмаса дори-дармонлардан узокроқ бўлиш керак. Кўзларингизни толиқтирманг. Аммо бугун тиш шифокорига мурожаат этиш фойдали бўлади.

Кийимлардан оқ, олтинранг, хаворанг ва яшил ранглар омад келтиради. Қора ва жигаранг кийимларни бугунча киймаганингиз маъқул.

Бугун:

- хизмат сафарига, романтик саёхатларга йўл олиш;
- интеллектуал меҳнат, ижодкорлик билан шуғулланиш;
- ўсимликларни екиш ва кўчат ўтказишни бошлаш;
- яхши кўрган ишларингизга эътиборли бўлиш;
- қўрилиш, жорий таъмирлаш ишларини бошлаш тавсия этилади.

Шоша-пиша иш кўриш, ортиқча фаоллик намойиш этиш, вазиятга қарамай ҳаракат қилиш, жанжал-қаш кишилар билан мулоқотда бўлишдан ўзингизни олиб қочинг.

Москвада ўтказилган «Рус нафосати юлдузлари» халқаро мусиқа санъати фестивалида Ўзбекистонлик хушовоз хонандалар ҳам қатнашиб, ижрочилик маҳоратини намойиш этдилар. Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова тайёрлаган концерт дастури ҳам яхши кутиб олинди.

Саҳна

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛДА ЯНГРАДИ

Севимли хонанда Моцарт, Верди, Римский-Корсаков каби машҳур композиторлар операларидаги арияларини ҳам меъёрига етказиб қуйлади. Композитор Мухтор Ашрафийнинг «Шоир қалби» операсидида «Қашмирда» қўшиғи эса фестивалда янграган энг яхши ариялардан бири деб баҳоланди.

(Ўз мухбиримиз)

Ақойибот-гаройибот

ТАНАМИЗ МЎҶИЗАЛАРИ

Ақл бовар қилмас мўҶизаларни фақатгина кўринмас оламдан изламоқ шарт эмас. Руҳиятимиз қанчалик сирли дунё бўлса, болаликдан ҳар биримизга яхши таниш бўлган, бу моддий дунёда бизга омонат учун берилган танамиз ҳам ҳали очилмаган синаотларга тўлиқ.

Тирногингизга, сочингизга бир жиддий разм солиб кўринг-а! Бу оддий ва таниш аъзоларда ҳеч қандай сир йўқдек кўринади. Аммо бу янгли тасаввур. Соч-тирноқ инсон дунё юзини кўрмасидан аввал пайдо бўлишини биласиз, ҳойнаҳой. Лекин улар инсон ўлимидан кейин ҳам ўсишда давом этишдан хабардормисиз?



— Ахлат пулини тўламайсизми?

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 бома табоқ офсет усулнда босилади. 2812 нусxada босилади. Қороз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.

Душанба, сенниба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрин етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин. Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийн-матбуот акционерлик компанияси басмахонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.